

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини  
механизациялаш муҳандислари институти  
«Давлат кадастрлари» кафедраси

«Ер мониторинги» фани

*Ер мониторингини ўтказишнинг  
ҳуқуқий асослари.*

Тошкент - 2019

# Мавзу: Ўзбекистон Республикаси ер фондининг микдор ва сифат ҳолати

**Режа:**

- 1. Ер мониторингини ўтказишнинг ҳуқуқий асослари.*
- 2. Ўзбекистон ер фондининг тавсифланиши ва ундан фойдаланиш даражаси.*
- 3. Қишлоқ хўжалик ерларидан фойдаланиш таҳлили.*

**Адабиётлар:**

1. Prasad S. Thenkabail, Ph.D. Land Resources Monitoring, Modeling, and Mapping with Remote Sensing. CRC Press, Taylor and Francis group. 2015.
2. Rahmonov Q. Yer monitoringi. O'quv qo'llanma. Toshkent: TIQXMMI, 2011. – 155 b.
3. Варламов А.А., Захарова С.Н. Мониторинг земель. – Москва: ГУЗ, 2000. – 283 с.
4. Ўзбекистон Републикасининг «Ер кодекси», Т., «Адолат», 1998
5. “Ўзбекистон Республикаси Ер ресурсларининг ҳолати тўғрисида Миллий ҳисобот”. “Ергеодезкадастр” давлат кўмитаси, 2017 йил.



# Ўқув машғулотида таълим технологияси модели

## Мавзу: Ўзбекистон Республикаси ер фондининг миқдор ва сифат ҳолати

Вақт: 2 соат	Талабалар сони: 48 нафар
Ўқув машғулотининг шакли ва тури	Маъруза (ахборотли/муаммоли)
Маъруза режаси тузилиши	<ol style="list-style-type: none"><li><b>1. Табиий, тарихий ва ижтимоий шарт – шароитларнинг ердан фойдаланишга таъсири.</b></li><li><b>2. Ўзбекистон ер фондининг тавсифланиши ва ундан фойдаланиш даражаси.</b></li><li><b>3. Қишлоқ хўжалик ерларидан фойдаланиш таҳлили.</b></li></ol>
Ўқув машғулоти мақсади:	Талабаларда билим ва кўникмаларни шакллантириш
Педагогик вазифалар: Қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланиш жараёни билан таништириш; Ерларнинг сифат таснифини бериш; Қ/х ерлари мониторингининг мақсади ва вазифасини тушунтириш;	Ўқув фаолияти натижалари: Қ/х ерлари тўғрисида тахлилий маълумотларни кўрсатадилар; Ер турларини таснифлайдилар; Қ/х ерлари мониторингининг мақсади ва вазифасини айтиб берадилар; Ер мониторингининг моҳиятини ва ўтказиш тартибини тартибли равишда очиб берадилар.
Таълим усуллари	Маъруза, баҳс, ақлий ҳужум, кластер.
Таълим шакли	Жамоавий
Таълим воситалари	Ўқув қўлланма, маъруза матни, тақдимот, техника воситалари.
Таълим бериш шароити	Махсус техника воситалари билан жиҳозланган, маъруза ўтишга мўлжалланган хона
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки сўров, тезкор-сўров ва бошқ.

## Ўқув машғулотининг технологик харитаси

Иш босқичлари ва вақти	Фаолият	
	таълим берувчи	таълим олувчилар
<b>1-босқич.</b> Ўқув машғулотига кириш (10 дақиқа)	1.1. Талабалар давоматини аниқлаш. 1.2. Мавзунинг номи, мақсад ва кутилаётган натижаларни етказиш. Машғулот режаси билан таништирилади. 1.2. Мавзу бўйича асосий тушунчаларни; мустақил ишлаш учун адабиётлар рўйхатини таништирилади.	Тинглайдилар, ёзиб оладилар. Аниқлаштирадилар, саволлар берадилар.
<b>2-босқич.</b> Асосий (60 дақиқа)	2.1. Тезкор-сўров (савол-жавоб) ақлий ҳужум орқали билимларни фаоллаштирилади. 2.2. Машғулотнинг режаси ва тузилишига мувофиқ таълим жараёнини ташкил этиш бўйича маъруза ва изоҳлар баён этилади.	Жавоб берадилар Ёзадилар.
<b>3-босқич.</b> Яқуний (10 дақиқа)	3.1. Мавзу бўйича яқунланади, ўрганилган мавзунинг касбий фаолиятларида аҳамиятга эга эканлиги муҳимлигига талабалар эътибори қаратилади. 3.2. Ўрганилган мавзу бўйича талабаларни қизиқтирган саволларга жавоб берилади. 3.3. Мустақил иш учун топшириқ берилади ва унинг баҳолаш мезонларини етказилади.	Ўз-ўзини, ўзаро баҳолашни ўтказадилар. Савол берадилар. Топшириқни ёзадилар

## *ЕР МОНИТОРИНГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ*

***Ер мониторинги*** - 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 14-моддасига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 23 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасида Ер мониторинги тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 496-сонли қарори асосан жорий қилинган.

[ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ мониторинг 496 қарор.doc](#)



## ***Ер мониторингини юритишга доир қонун хужжатларига қуйидагилар киради:***

1. Ўзбекистон Республикасининг “Ер кодекси”. 30.04.1998. йилда қабул қилинган .
2. Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонуни. 09.12.1992. йилда қабул қилинган .
3. Ўзбекистон Республикасининг “Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида”ги қонуни. 03.12.2004. йилда қабул қилинган .
4. Ўзбекистон Республикасининг “Ўрмон тўғрисида”ги қонуни. 15.04.1999. йилда қабул қилинган .
5. “Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги қонуни. 26.12.1997. йилда қабул қилинган .
6. Ўзбекистон Республикасининг “Фермер хўжалиги тўғрисидаги” қонуни. 30.04.1998 йилда қабул қилинган .
7. Ўзбекистон Республикасининг “Деҳқон хўжалиги тўғрисидаги” қонуни. 30.04.1998 йилда қабул қилинган .
8. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси. 29.08.1996. йилда қабул қилинган .
9. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. 22.09.1994. йилда қабул қилинган ва 01.04.1995. йилдан кучга кирган .
10. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. 22.09.1994. йилда қабул қилинган .
11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 23 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасида Ер мониторинг тўғрисидаги Низомни

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Ер кодексидан ташқари ер муносабатларини тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатларига қуйидагилар киради:

- **Ўзбекистон Республикаси қонунлари;**
- **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорлари;**
- **Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари;**
- **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари;**
- **Вазирлик ва давлат қўмиталари ҳужжатлари;**
- **Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорлари.**

Ўзбекистон Республикаси  
Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси  
қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий  
Мажлиси палаталари қарорлари  
**қонунчилик ҳужжатлари** ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти  
фармонлари, Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, вазирлик  
ва давлат қўмиталари ҳужжатлари,  
маҳаллий давлат ҳокимияти органлари  
қарорлари **қонун ости ҳужжатлари**  
ҳисобланади.

## Ер муносабатларини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари қуйидаги турларга бўлинади:

- умумий аҳамиятдаги қонунлар;
- махсус аҳамиятга эга қонунлар;
- муҳофаза этувчи аҳамиятга эга қонунлар.

Ер муносабатларини тартибга солувчи **умумий аҳамиятдаги қонунларга** қуйидагилар киради:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонуни.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида”ги қонуни.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Ўрмон тўғрисида”ги қонуни.
4. “Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги қонуни.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги қонуни.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуни.
7. Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги қонуни.



Ер муносабатларини тартибга солувчи **махсус аҳамиятга эга** қонунлар сирасига қуйидагилар киради:

1. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ер кадастри тўғрисида”ги қонуни.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Ер ости бойликлари тўғрисида”ги қонуни.



Ер қонунчилигини бузганлик учун жавобгарлик белгиланган **муҳофаза этувчи аҳамиятга эга** қонунларга қуйидагилар киради:

1. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс.
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси.
3. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси.
4. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси ва б.қ.



**Ер муносабатларини тартибга солишда ва ер мониторингини юритишда бир неча норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга амал қилинади, уларни ўз навбатида қуйидагиларга бўлинади:**

***1. Норматив-ҳуқуқий (Конституция, қонунлар, фармон, қарор, йўриқнома, низом ва уставлар);***


***2. Меъёрий-техник (стандартлар, кўрсатма ва меъёрий ҳужжатлар)***



Ер - табиий ресурслар ичида ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради. У мамлакатимиз аҳолисининг турмуш фаровонлигини таъминлайди, республикамизнинг иқтисодий салоҳияти учун моддий негиз яратади. Шу сабабли ердан ҳар қандай даврда ва шароитда оқилона, унумли ва илмий асосланган тарзда фойдаланишни тўғри ташкил этиш мамлакат бугуни ва келажаги учун ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади.



# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МАЪМУРИЙ – ҲУДУДИЙ ВУҚУФИ



## *Ўзбекистон ер фондининг тавсифланиши ва ундан фойдаланиш даражаси*

2018 йил 1 январ ҳолатига Ўзбекистон Республикасининг маъмурий чегарасидаги умумий ер майдони **44896,9 минг** гектарни ташкил қилади. Республика бўйича корхона, ташкилот, муассасалар, фермер хўжаликлари ва фуқароларнинг фойдаланишидаги жами ерлар **44892,4 минг** гектарни, шундан суғориладиган ерлар эса **4312,9 минг** гектарни ёки умумий ер майдонининг **9,6 фоизини** ташкил қилади.

Ўзбекистон Республикаси ер фонди ерлардан фойдаланиш мақсади ва тартибига кўра ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, улар Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 8-моддасига биноан **8 та** тоифага бўлинади.

# Ўзбекистон Республикаси ер фондининг тоифалари бўйича тақсимланиши

минг га. ҳисобида

Т/р	Ер фондининг тоифалари	Умумий ер майдон		Шу жумладан, суғориладиган ерлар	
		Жами	Ҳоиз ҳисобида	Жами	Ҳоиз ҳисобида
1	Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар	20174,0	44,94	4205,8	9,37
2	Аҳоли пунктларининг ерлари	220,8	0,49	51,1	0,11
3	Саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар	905,3	2,02	12,1	0,03
4	Табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш ва рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлар	704,3	1,57	0,9	0,002
5	Тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар	14,1	0,03		
6	Ўрмон фонди ерлари	11191,9	24,93	36,0	0,08
7	Сув фонди ерлари	833,6	1,86	4,8	0,01
8	Заҳира ерлар	10848,4	24,16	2,2	0,005
	<b>Жами ерлар:</b>	<b>44892,4</b>	<b>100,0</b>	<b>4312,9</b>	<b>9,6</b>

## Ўзбекистон Республикасидаги жами фойдаланиладиган ерлар майдони

Т/р	Республика, шаҳар ва вилоятларнинг номи	Умумий ер майдони		Экин ерлар	
		жами	шу жумладан суғориладиги ни	жами	шу жумладан суғориладиги ни
1	Қорақалпоғистон Республикаси	16656,1	509,5	418,1	418,1
2	Андижон	430,3	273,7	203	203
3	Бухоро	4193,7	275,0	200,8	200,8
4	Жиззах	2117,9	300,6	482,0	261,4
5	Қашқадарё	2856,8	515,4	679,2	420,5
6	Навоий	10937,5	123,5	110,9	91,1
7	Наманган	718,1	282,1	193,1	193,1
8	Самарқанд	1677,3	380,3	435,0	251,9
9	Сурхондарё	2009,9	325,7	280,8	240,9
10	Сирдарё	427,6	287,5	249,8	249,8
11	Тошкент	1525,4	399,7	333,7	299,5
12	Фарғона	700,5	367,3	247,8	247,8
13	Хоразм	608,2	266,2	206,0	206,0
14	Тошкент ш.	33,1	4,9	0,4	0,4
	<b>Жами:</b>	<b>44892,4</b>	<b>4308,1</b>	<b>4043,6</b>	<b>3288,2</b>

## Ер фондининг ер турлари бўйича тақсимланиши

Ердан фойдаланиш ўз мазмунига қараб турлича бўлиб, фойдаланиш тавсифи бўйича фарқланувчи турли табиий – тарихий хусусиятларга эга бўлган ер участкаларининг йиғиндисидан иборат. Булар ер турларини ташкил этади.


19

Шу сабабли ер тури ердан фойдаланишда ва ер ажратишда асосий элементи хисобланади.

*Турлича табиий хусусиятларга эга бўлган, аниқ бир ишлаб чиқариш мақсадларида фойдаланиладиган ер участкалари ер турлари деб аталади.*



# *КЛАСТЕР*



## *Ер фонди таркибидаги асосий ер турлари:*


1. Қишлоқ хўжалиги ер турлари (экин ерлар, кўп йиллик дарахтзорлар, бўз ерлар, пичанзор ва яйловлар);
2. Томорқа ерлар;
3. Қурилишлар билан банд ерлар;
4. Йўллар билан банд ерлар;
5. Сув билан банд ерлар;
6. Ўрмонзорлар;
7. Бутазорлар;
8. Ботқоқликлар;
9. Қумликлар;
10. Бошқа ерлар

## Қишлоқ хўжалик ерларидан фойдаланиш таҳлили

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар мамлакат ягона ер фондида энг асосий ўрин тутади ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудининг **45 фоизи**ни эгаллаган бўлиб, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришда асосий восита ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун бериб қўйилган ёки ана шу мақсадлар учун белгиланган ерлар қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар қишлоқ хўжалигини юритиш учун зарур бўлган қишлоқ хўжалиги ерлари ва дарахтзорлар, ички хўжалик йўллари, коммуникациялар, ўрмонлар, ёпиқ сув ҳавзалари, бинолар, иморатлар ва иншоотлар эгаллаган ерларга ажралади.



*Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар бўйича сугориладиган қишлоқ хўжалик ер турларининг тақсимланиши. (% ҳисобида)*

## Қишлоқ хўжалиги ер турлари:

Қишлоқ хўжалик ер турлари - қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар ичида алоҳида ўринни эгаллайди. Уларнинг ер майдони **25625,2 минг гектарни** ёки умумий ер майдонининг **57 фоизини**, шундан суғориладиган қишлоқ хўжалик ер турлари жами **3736,2 минг гектарни** ташкил этади.


## Суғориладиган ерлар:

Қишлоқ хўжалигида фойдаланиш ва суғориш учун яроқли бўлган, сув ресурслари шу ерларни суғоришни таъминлай оладиган суғориш манбаи билан боғланган доимий ёки муваққат суғориш тармоғига эга бўлган ерлар суғориладиган ерлар жумласига киради.

Қишлоқ ва сув хўжалиги органлари суғориладиган ери бўлган ер эгалари ва ердан фойдаланувчиларни суғориш ишлари учун манбаларнинг серсувлигини ҳисобга олган ҳолда жорий этилган лимитлар бўйича сув тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан белгиланадиган тартибда сув билан таъминлашлари шарт.

Суғориладиган ерлар махсус муҳофаза қилиниши лозим.

Минг. га



*1.2.1.1-расм. Сугориладиган қишлоқ хўжалик ер турларининг республика бўйича 2011 йилнинг 1 январидан 2017 йил 1 январгача бўлган ўзгариши.*

**Алоҳида қимматга эга бўлган унумдор суғориладиган ерлар:**


Кадастр баҳоланишига кўра ўртача туман бонитет баллидан **20 фоиздан** кўп бўлган суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерлари алоҳида қимматга эга бўлган унумдор суғориладиган ерлар жумласига киради. Алоҳида қимматга эга бўлган унумдор суғориладиган ерлар махсус муҳофаза қилиниши лозим ва уларнинг суғорилмайдиган ерлар жумласига ўтказилишига йўл қўйилмайди.

Алоҳида қимматга эга бўлган унумдор суғориладиган қишлоқ хўжалик ерларини корхоналар, бинолар ва иншоотлар қурилиши учун беришга алоҳида ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан йўл қўйилади.

**Экин ерларга** қишлоқ хўжалик экинлари экилиб, узлуксиз фойдаланиладиган барча хайдалма ерлар киради.

Экин ерлари икки турга: *суғориладиган ва лалми ерларга* бўлинади.

Республика бўйича экин ерлар жами **4035,3 минг** гектарни шу жумладан, суғориладиган экин ерларнинг умумий ер майдони **3279,4 минг** гектар ёки қишлоқ хўжалик ер турларининг **12,8 фоизини**, лалми экин ерларнинг умумий майдони **755,9 минг** гектарни ёки қишлоқ хўжалик ер турларининг **2,9 фоизини** ташкил этади.



*Республика буйича суғориладиган экин ер майдонларининг ўзгариши*

## **Лалми ерлар:**

Лалмикор ерларда қишлоқ хўжалик экинларини ўстириш фақат тупроқ қатламларидаги ёғинлар ҳисобига йиғилган намлик эвазига етиштирилишини ҳисобга олиб, йиллик ёғин миқдори ўртача 200 мм дан ошадиган ерлардагина лалмикор экинлар жойлаштирилади.

Лалмикор ерлар тупроқ минтақаларининг жойлашишига мос равишда намлик билан таъминланган, кам таъминланган ва таъминланмаган ерларга бўлинади.

Жигарранг ва қорамтир бўз тупроқ баланд минтақада жойлашган бўлиб, намлик билан таъминланган, типик бўз тупроқ ўрта минтақада тоғ олди зоналарига тарқалган ва намлик билан кам таъминланган ва оч тусли бўз тупроқлар қуйи минтақада намлик билан таъминланмаган лалмикор ерлар ҳисобланади.

**Лалми экин ер майдонларининг республика вилоятлари  
бўйича тақсимланиши**

Т/р	Вилоятларнинг номи	Жами лалми экин ерлар майдони
1	Жиззах	220,4
2	Қашқадарё	258,7
3	Навоий	19,8
4	Самарқанд	182,9
5	Сурхондарё	39,9
6	Тошкент	34,2
	<b>Жами:</b>	<b>755,9</b>


## Кўп йиллик дарахтзорлар

Республика бўйича боғлар, узумзорлар, тутзорлар ҳамда бошқа кўп йиллик мевали кўчатзорларнинг жами ер майдони **371,9 минг** гектарни, шу жумладан суғориладигани **354,1 минг** гектарни ёки суғориладиган қишлоқ хўжалик ерлари таркибида кўп йиллик дарахтзорларнинг ер майдони **9,5 фоизни** ташкил қилади.

Кўп йиллик дарахтзорлар таркибида боғлар энг катта салмоқни ташкил этиб **56,1** фоизни, узумзорлар **25,6** фоизни, тутзорлар **16,7** фоизни ва мевали кўчатзор ва бошқа дарахтзорлар **1,6** фоизни ташкил қилади.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорларига биноан мамлакатимизда мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича бир қатор чоратадбирлар белгиланиб, натижада 2010-2015 йилларда кўп йиллик дарахтзорлар **24,1 минг** гектарга кўпайди.

Минг,га



*Республика бўйича кўп йиллик дарахтзорлар ер майдонларининг ўзгариши*

## Бўз ерлар

*Бўз ерлар* таркибига самарасиз фойдаланиш натижасида суғориш қоидаларининг бузилиши ва тупроқ-мелиоратив ҳолатининг ёмонлашиши, эрозия таъсири, кучли шўрланиши, гипсланиши ҳамда янги ўзлаштирилган ерлар ҳолатининг ёмонлашиши оқибатида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши (оборот) дан чиқиб қолган суғориладиган ва лалми экин ерлар киради.

Бўз ерларнинг умумий ер майдони **80,3 минг** гектар бўлиб, шундан суғориладиган зонада **46,9 минг** ва лалмикор зонада **33,4 минг** гектарни ташкил қилади.

## Пичанзор ва яйловлар

Республика ҳудудининг катта қисмини пичанзор ва яйловлар ташкил қилади. Бу ерлар чорвачиликни ривожлантириш учун асосий озуқа базаси бўлиб ҳисобланади.

Республикада умумий ер майдони **21125,6** минг гектар табиий пичанзор ва яйловлар мавжуд бўлиб, шу жумладан сув билан таъминланган яйловларнинг умумий ер майдони **18692,0** минг гектарни ташкил қилади.

Табиий шароитларига қараб, яйлов ва пичанзорлар:

- чўл-текислик (чўл минтақаси);
- текислик-тепалик (адир минтақаси);
- тоғ олди-тоғ (тоғ минтақаси)га бўлинади.


## Пичанзор ҳамда яйловларнинг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бўйича тақсимланиши

Т/р	Республика, вилоятларнинг номи	Жами пичанзор ва яйловлар	Шундан суғориладигани
1	Қорақалпоғистон Республикаси	5275,1	36,6
2	Андижон	21,3	0,9
3	Бухоро	2543,2	
4	Жиззах	757,8	
5	Қашқадарё	1415,3	0,1
6	Навоий	8745,6	
7	Наманган	152,4	
8	Самарқанд	793,8	
9	Сурхондарё	830,9	
10	Сирдарё	20,5	
11	Тошкент	436,1	1,4
12	Фарғона	23,5	4,0
13	Хоразм	110,1	
	<b>Жами:</b>	<b>21125,6</b>	<b>43,0</b>

# Қишлоқ хўжалик корхоналарида ер майдонларидан фойдаланиш тахлили

Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш бўйича аниқ мақсадга қаратилган ишлар олиб борилмоқда. Бунинг натижасида кейинги йилларда қишлоқ хўжалиги тубдан ўзгарди. Фермер хўжаликлари, ўз моҳиятига кўра, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг асосий шаклига, соҳани барқарор ва самарали ривожлантиришни таъминлайдиган етакчи кучга айланди.


Сўнгги йилларда фермер хўжалиklarининг ер участкаларидан самарали фойдаланиш, изчил ва аниқ мақсадга йўналтирилган бўлиб, фермерлар фаолиятини самарадорлиги оширилишининг муҳим омили бўлди. Таҳлиллар шуни кўрсатдики, барқарор фермер хўжалиklarини шакллантириш, уларнинг шахсий айланма пул маблағларини сезиларли даражада ошириш, ер ва сув ресурсларидан, шунингдек минерал ўғитлар, қишлоқ хўжалик техникаси ва бошқа ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлаш, шунингдек меҳнатни янада аниқ ташкил этиш имкони яратилиб, фермер хўжалиklarининг моддий-техника базаси мустаҳкамланди.



*Республика вилоятлардаги фермер хўжаликлари сонининг ўзгариши.*



*Фермер хўжалиklarининг ер майдонлари ўзгариши*



1.3.3- расм. Республикада фермер хўжалиklarининг ихтисослиги бўйича тақсимланиши (% ҳисобида)

**Республика вилоятларидаги фермер хўжалиklarининг ихтисослиги бўйича тақсимланиши (% ҳисобида)**

# Талабалар билимини текшириш учун саволлар

1. Ер фонди деганда нимани тушунасиз?
2. Ер фондининг нечта тоифаси бор?
3. Ер тури нима?
4. Қишлоқ хўжалик ер турлари қандай?
5. Ўзбекистоннинг суғориладиган ер майдони қанча?
6. Тупроқнинг сифатини белгиловчи кўрсаткичларга нималар киради ?



## ҚИЗИҚАРЛИ МАЪЛУМОТЛАР:

1. Ўзбекистоннинг ғарбдан-шарққа узунлиги 1425 км, шимолдан жанубга узунлиги 930 км.
2. Ўзбекистон чегарасининг умумий узунлиги 6221 км.
3. Энг йирик дарёлар Амударё ва Сирдарё. Узунлиги Амударё – 2660 км. Сирдарё – 2982 км.
4. Ўзбекистон ҳудуди жиҳатдан жаҳонда 55-ўринда, аҳолиси жиҳатдан 39-ўринда

